

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ КАСБИЙ  
КОМПЕТЕНТЛИГИ**

*Ҳамраева Азиза Фархадовна*

*ЖДПИ мактабгача таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси*

*Эргашева Диловархон Умиджон қизи*

*ЖДПИ мактабгача таълим фаъкултети 3-курс талабаси*

**Аннотация:** Ушбу мақолада олий таълим муассасаси талабаларининг касбий компетентлиги ҳақида фикр юритилган.

**Аннотации:** В данной статье рассматривается профессиональная компетентность студентов высших учебных заведений.

**Annotation:** This article discusses the professional competence of students in higher education.

**Таянч сўзлар:** Ижтимоий муаммо, ёндашиш, касбий компетентлик, компетенция, акмеологик жихат, концептуал қоидалар, интеграл модел, ижтимоий педагогик ҳаракат, педагогик таълим.

**Ключевые слова:** Социальная проблема, подход, профессиональная компетентность, компетентность, акмеологический аспект, концептуальные нормы, интегральная модель, социально-педагогическое движение, педагогическое образование.

**Key words:** Social problem, approach, professional competence, competence, acmeological aspect, conceptual rules, integral model, social pedagogical movement, pedagogical education.

Педагогик таълим - таълим тизимининг таркибий қисми бўлиб, унинг ривожланиш сифати ва истиқболларини белгиловчи асосий бўғинлардан бири - умумий (мактабгача, асосий, тўлиқ) таълим бўйича мутахассислар тайёрлаш тизимидан иборат. Педагогик таълимнинг аҳамияти ёш авлодни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришга жамиятнинг стратегик ва асосий қадрияти сифатида қараш билан боғлиқ бўлиб, бу соҳа мутахассисларига юқори

талабларни қўйишнинг сабаби ҳисобланади. Таълимнинг мактабгача таълим поғонаси педагог касбининг акмеологик жиҳатига урғу беради: ривожлантирувчи ва тарбия бериш мақсадларининг устуворлиги, “болалик” категориясининг ўзига хос (алоҳида, махсус) маъно, аҳамияти, меҳнат объекти (бола) ва предметининг (мактабгача таълим мазмунининг) ўзига хослиги олий таълим муассасаси талабаларининг шахсияти ва фаолиятига ва унинг касбий компетентлигини шакллантириш жараёнига маълум таъсир кўрсатади.

XVIII аср охирига келиб Россияда биринчи марта педагогнинг касбий тайёргарлигига (таълим олишига) давлат талаблари белгиланади, ўқитувчининг таълим даражасига қараб унинг мақоми қонуний белгиланади [49, 21 б.]. Ижтимоий муаммо сифатида педагогик таълим XIX асрда оммавий ўрта мактабни ривожлантириш ва умумий таълимни жорий этиш зарурати муносабати билан пайдо бўлди: оммавий таълимни ривожлантиришнинг ҳар бир босқичи унинг структураси/тузилиши, ташкилий шакллари ва педагогларни тайёрлаш мазмунида ўзгаришлар амалга оширилишини талаб қилар эди, ва бу ўз навбатида таълимнинг сифат мезонларига ва уларга эришиш учун амалга ошириладиган моделларга таъсир қилар эди. Касбий тайёргарликнинг концептуал қоидаларига, ҳолатларига мувофиқ педагогнинг касбий компетентлиги моделларида ҳам ўзгартиришлар (трансформация) юз берди.

XIX аср охири - XX аср бошларига келиб олий педагогик таълимнинг вужудга келиши учун шарт-шароитлар вужудга келди. Ижтимоий-педагогик ҳаракати, П.Ф. Каптерев, В.П. Вахтерев, Л.И. Петражицкий, В.М. Бехтерев, П.Ф. Лесгафт, А.П. Нечаев ва бошқа олимларнинг назарий тадқиқотлари катта таъсир кўрсатди. Таълим мазмуни К.Д. Ушинскийнинг болани ҳар томонлама ўрганиш ҳақидаги ғоясига асосланиб тузилган.

Университетда ўқитувчиларни тайёрлаш бўйича 2 та концепция илгари сурилди. Биринчиси педагогика кафедраларида ёки педагогика факултетларида касбий таълимни/касбга тайёрлашни ташкил этишни назарда тутган. Педагогика факултети моделларидан бирини Москва профессорлар гуруҳи ишлаб чиқишган (Б.И. Дьяконов, А.Н. Реформатский, В.А. Ванер, Г.И. Россолимо ва бош.). Педагогикага назарий ўқитишни илмий-тадқиқот

ишларини ташкил этиш билан бирлаштириш назарда тутилган. Педагогик амалиётни ўтказиш учун факултет қошида “ёрдамчи” ўқув юртлири ташкил қилинган. Иккинчи концепцияда университетдан кейинги таълимни ташкил қилиш назарда тутилган ва яққол илмий-тадқиқотга йўналтирилган бўлган. Масалан, К.П. Яновскийнинг лойиҳасига кўра, танланган фан ва иккита кўшимча фан бўйича педагог тайёрлаш (2 йил) назарда тутилган. 1-курса педагогика назарияси ўрганилиб, 2-курса мактабда амалиёт ташкил этилган. Лойиҳа П.Г. Шелапутин номидаги Москва Педагогика институтида амалга оширилди [87; 94].

XX аср бошларида ўқитувчиларни тайёрлашнинг интеграл модели шаклланди, унда касбий педагогик таълим/тайёрлаш университет даражасига яқин бўлган олий таълим олиш билан бирлаштирилган. Олий аёллар курслари ушбу моделга мисол бўла олади. Дастлабки 2 йил ичида умумий илмий таълим маърузалар шаклида, сўнгра - гимназияда ёки бошланғич мактабда педагогик амалиёт ўтказилган. Педагогик таълим/тайёрлаш кафедра қошидаги мутахассислик гуруҳларида мустақил ишлаб чиқилган ўқув режасига мувофиқ амалга оширилган.

1917-йил октябрь инқилобидан сўнг деярли 20-йилларнинг охирига қадар РСФСРда 2 та ўқитувчи тайёрлаш модели амалга оширилиб келинди. Биринчи модель ўқитувчиларнинг касбий таълимини индивидуаллаштиришга нисбатан самарали/маҳсулдор ёндашувларни топиш билан боғлиқ бўлган. Педагогик техникага (методларга), турли педагогик технологияларни (лаборатория, тадқиқот ва бошқа методлар, драмалаштириш ва ҳок.) ўзлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Институтларнинг барча талабалар учун ўқув режасига “Ўзини ривожлантириш практикуми” бўлими киритилган. Профессинализация жараёнида бўлажак педагогнинг технологик саводхонлигини шакллантириш учун прагматик мақсадларни кўзланган. Оммавий қисқа муддатли курсларни таълимнинг/тайёрлашнинг иккинчи модели деб ҳисоблаш мумкин. Курсларнинг вазифалари асосан тингловчиларни мафкуравий тайёрлаш ва ўқитиш технологиясига оид ахборотларни беришдан иборат бўлган. Курслар оммавий сиёсий ташвиқот муаммоларини ҳал қилишга қаратилган ва

саводсизликни тугатиш тадбирига хизмат қилган, ва бу эса ўқитувчиларни тайёрлашнинг кейинги ёндашувларига салбий таъсир қилган: ҳаддан ортиқча маъмурий бошқарув, расмиятчилик/формализм, миқдорий кўрсаткичларни оширишга қаратилганлик - бу фактлар компетенцияни шакллантириш билан боғлиқ ўқитувчини тайёрлашнинг прагматик йўналтирилганлигидан далолат беради [94].

СССР Х (халқ комиссарлари кенгаши) ва ВКП(б) Марказий Комитетининг 1936 йил 23 июндаги Халқ Маърифат Комиссариати (Наркомпрос) тизимидаги педогогик бузуқликлар тўғрисидаги қароридан сўнг ўқитувчиларни тайёрлаш бутунлай давлат назоратига олинди. Ўқитувчига мафкуравий ходим сифатида ёндашиш устун бўлган; педагогик таълимнинг асосий вазифаси коммунизм ғоялари билан тўлиб тошган ўқитувчиларни оммавий тайёрлаш бўлган.

XX асрнинг 60-80-йилларида талабаларнинг педагогик ва методик таълимига кенг психологик-педагогик фанлар киритилди: факультет профилига (ихтисосига) мувофиқ ҳар бир мутахассислик учун фанлар мажмуи ташкил қилинди, ва уларни ўрганиш ўқув-педагогик амалиёт билан биргаликда талабаларнинг билимлар олиш ва илмий ва амалий иш методларини ўзлаштиришни таъминлаган. Бироқ ўқув жараёнини мустақил ташкил қилиш ва ижодий экспериментлар ўтказиш имкониятлари чекланганлигича қолди. Бу йўналишда касбга тайёрлашнинг (таълимнинг) саводли/малакали ва ўз ишини яхши ижрочиси бўлган мутахассисни тайёрлашга йўналтириш шаклланган.

#### **Адабиётлар:**

- 1. Зимняя И.А. Педагогическая психология. - Ростов на Дону: Феникс, 1997. - 480**
- 2. Маркова А.К. Психология профессионализма. - М.: Дело, 1996. - 308 с.**

**3 .Hamrayeva, A. (2021). Ta'lim jarayonini tashkil etishga nisbatan texnoloik yondoshuv. *Мактабгача таълим журнали*.**

**4.Hamrayeva, A. (2021). Педагог тарбиячиларда компетентликни ривожлантириш. *Мактабгача таълим журнали*, 3(Preschool education journal).**

## **РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақолада олий таълим муассасаси талабаларининг касбий компетентлиги хақида фикр юритилган хақида фикр юритилган. Шунингдек мақолада, педагогларни тайёрлаш мазмунида ўзгаришлар амалга оширилишини талаби ва бу ўз навбатида таълимнинг сифат мезонларига ва уларга эришиш учун амалга ошириладиган моделларга таъсир этиши. Касбий тайёргарликнинг концептуал қоидаларига, ҳолатларига мувофиқ педагогнинг касбий компетентлиги моделларида ҳам ўзгартиришлар юз бериши масалалари атрофлича ёритиб берилган.

## **РЕЗЮМЕ**

В данной статье рассматривается профессиональная компетентность студентов высших учебных заведений. Также в статье рассматривается необходимость изменения содержания подготовки учителей, что, в свою очередь, влияет на критерии качества образования и модели, реализуемые для их достижения.

## **SUMMARY**

This article discusses the professional competence of students in higher education. The article also discusses the need for changes in the content of teacher training, which in turn affects the quality criteria of education and the models implemented to achieve them.